

2022

22-iyun



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI



ABDULLA AVLONIY NOMIDAGI PEDAGOGLARNI
KASBIY RIVOJLANTIRISH VA YANGI METODIKALARGA
O'RGATISH MILLIY-TADQIQOT INSTITUTI

UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARIDA O'QUVCHILARNI
KASBGA YO'NALTIRISH VA VARIATIV TA'LIM
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI



RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA
MATERIALLARI

TOSHKENT – 2022

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XALQ TA‘LIMI VAZIRLIGI

**A.AVLONIY NOMIDAGI PEDAGOGLARNI KASBIY
RIVOJLANTIRISH VA YANGI METODIKALARGA O‘RGATISH
MILLIY-TADQIQOT INSTITUTI**

**UMUMIY O‘RTA TA‘LIM MUASSASALARIDA
O‘QUVCHILARNI KASBGA YO‘NALTIRISH VA VARIATIV
TA‘LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari

TO‘PLAMI

2022-yil, 22-iyun

Toshkent

“Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida o‘quvchilarni kasbga yo‘naltirish va variativ ta’lim samaradorligini oshirish masalalari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari mamlakatimizda maktab o‘quvchilarini kasbga yo‘naltirish borasida oliy va xalq ta’limi tizimi xodimlari tomonidan amalga oshirilayotgan va oldimizda turgan dolzarb masalalarni muhokama qilish imkonini beradi va bu boradagi ilmiy izlanishlar uchun tadqiqot manbasi sifatida xizmat qiladi.

Tahrir hay’ati:

p.f.f.d. (PhD), dotsent A.B.Radjiyev
s.f.d., dotsent F.E.Karimov
f-m.f.n., dotsent A.A.Baxramov
p.f.f.d. (PhD), dotsent M.D.Pardayeva
p.f.f.d. (PhD), dotsent M.U.Axmedov
p.f.f.d. (PhD) N.K.Mamanazarova
Ilmiy xodim N.M.Ziyodulloyev

Dizayner:

N.M.Ziyodulloyev

Mazkur to‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlar to‘g‘riligi hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning shaxsan o‘zlari mas’uldirlar.

Tahririyat manzili:
Toshkent shahar, Olmazor
tumani, Ziyo ko‘chasi, 6-uy.
Pochta indeksi – 100095.

© “Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida o‘quvchilarni kasbga yo‘naltirish va variativ ta’lim samaradorligini oshirish masalalari” ilmiy-amaliy konferensiya

VUCA-ДУНЁ ДИСКУРСИДА ШАХС ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Холиқова Моҳира Кундибаевна

Тошкент шаҳар ХТХҚТМОҲМ директори, н.ф.ф.д. (PhD), доцент

*Биз кўплаб сабабларнинг таъсирини биламиз,
аммо таъсирларнинг сабабларини билмаймиз.*

Чарльз Колтон

Инсоният XX асрнинг сўнги йилларигача **SPOD - steady** (барқарор) **predistable** (олдиндан тахмин қилиш имконияти), **ordinary** (оддий), **definite** (аниқ) каби нарративлар шароитида фаолият олиб борди. Постиндустриал ахборот жамияти ўзининг ночизиқли таксономияси, юксак суръатлари, беқарорлиги, мавҳумлиги, ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Илмий тадқиқотларда замонавий дунёни тавсифлашда экспертлар, мутахассислар тобора “**VUCA-дунё**” атамасидан фойдаланмоқдалар. Ушбу атама “*volatility*” (беқарорлик), “*uncertainty*” (ноаниқлик), “*complexity*” (мураккаблик), “*ambiguity*” (иккиланиш) каби сўзларнинг акронимидир. Маълумотларга кўра, дунёдаги мавжуд ахборотнинг 90% и охириги 3-4 йилда пайдо бўлган.

VUCA-дунёнинг қуйидаги мейнстрим хусусиятларини қайд этиш мумкин:

- *сунъий интеллект;*
- *онлайн маконда жисмоний ва виртуал воқеликнинг конвергенцияси;*
- *априори прогностик таҳлил қилишининг имкони йўқлиги;*
- *жараёнлар экспонентаси;*
- *маълумотларнинг тез эскириши хусусияти.*

Француз социологи, Европа социологик тадқиқотлар марказининг асосчиси **Пьер Бурдьё** (фр. Pierre Bourdieu) ижтимоий макон генезисини тадқиқ қилар экан, “*Ноаниқлик бугун ҳамма жойда мавжуд бўлиб, инсон онги ва онг остини таъқиб қилмоқда*”, дея таъкидлайди [2, 17]. Ушбу ҳодиса француз назарийтчилари томонидан о *precarite*, немисча — *Unsicherheit*, италянча - *incertezza*, инглизча *insecurity* иборалари билан ифодаланади.

Шахс ХХІ асрда мазмунан янги глобал ҳамжамият иштирокчисига айланди. Замонавий дунё вакили беқарор тизимларда, олдиндан айтиб бўлмайдиган ўзгаришлар шароитида фаолият олиб бормоқда. Ўзгарувчанлик, беқарорлик, ноаниқлик, мураккаблик дунёсида шахс ижтимоийлашуви муаммолари алоҳида аҳамият касб этади.

Шахс (лот. “persona”) ижтимоий фанларнинг базавий категорияси бўлиб, барқарор индивидуал аҳамиятга эга хусусиятлар мажмуи сифатида индивиднинг ижтимоий табиатини акс эттиради. Ижтимоий фаолият субъекти сифатида шахснинг хусусиятлари жамият ҳаётининг ўзига хос маданий-тарихий шароитлари билан белгиланади. Шахсни фарқловчи муҳим атрибутлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: *эркинлик, автономлик, онглилик, ирода, темперамент, эмоция, феъл-атвор, туйғулар, уникаллик (шахснинг ўзига хослиги), ахлоқий қадриятлар тизими* ва б.

Шахс муаммоси мураккаб поликонтекстуал характерга эгаллиги туфайли унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Мазкур дефиниция фалсафа, социология, психология, акмеология, педагогика каби соҳаларнинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Биргина социологияда шахс тушунчасига нисбатан қатор ёндашувлар мавжуд (М.Вебер, Ж.Г.Мид, Э.Фромм, М.Коул). Социолог, педагог **И.С.Кон** ўзининг “**Шахс социологияси**” номли тадқиқотида шахсни индивидуал фаолият ва ижтимоий роллар мажмуи, меҳнат, билим ва мулоқот субъекти сифатида қарашни таклиф этади [3, 16].

Тадқиқот муаллифи мазкур тушунчанинг семантик майдонини аниқлашда қуйидаги дефиницияга таянади: “*Шахс - бу индивиднинг ижтимоий табиатини (онг, билим, кўникма, тажриба, қадриятлар тизими, дунёқараиш ва б.) акс эттирадиган, уни ижтимоий-маданий ҳаётнинг субъекти сифатида тавсифлайдиган, муайян жамият аъзоси сифатида ижтимоий муносабатлар, мулоқот ва объектив фаолият контекстида ўзини намоён қиладиган барқарор ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятлар тизими*”.

XXI асрда жамият ва шахс трансформацион жараёнларни бошидан кечирмоқда. Рақамли технологиялар дунёнинг концептуал хусусиятини, шахснинг хатти-ҳаракат стратегиясини, тафаккур тарзини ўзгартириб, янги ижтимоий-маданий воқеликни шакллантирмоқда.

Замонавий рақамли дунё ва инсоният мавжудлигининг экзистенциал (лот. *existentia* – мавжудлик), мутлақ ўзига хослигининг рамзи сифатида кадриятлар тизими ўртасида коллизия (ихтилоф) вужудга келди. Мос равишда шахснинг дунёқароши, оламни идрок қилиш каби когнитив қобилиятлари ўзгариб бормоқда. Замонавий авлодга таъриф берилганда ***alpha-generation, миллиниаллар (millennials), ценмениаллар, Z-авлод, Y-авлод, homelanders, homeland generation, zoomers, new silent generation, next-авлод, виртуал авлод, эхо-бумерлар*** каби тушунчалардан фойдаланилмоқда. Тадқиқотчилар **Нэйл Хоу** (Neil Howe) ва **Уильям Штраусс** (William Strauss) томонидан тавсифланган авлодлар назариясига кўра, авлодлар ҳар 20-25 йилда бир-бирини алмаштиради ҳамда ижтимоий авлод қуйидаги умумий мезонга эга бўлган индивидларнинг маълум гуруҳидан иборатдир: *ёши, тахминан бир хил тарихий воқеаларни бошидан кечирishi, ягона эътиқодлар, умумий хулқ-атвор намуналари ва мазкур авлодга мансублик ҳисси* ва б.

Соҳа тадқиқотчиларининг фикрига кўра, тез ўзгарувчан **VUCA-дунёда** улғайган миллиниаллар қуйидаги имманент хусусиятларни намоён этади:

- *жуда тез қарор қабул қилиши;*
- *истеъмол (консумеризация) култи;*
- *тез юқори натижаларга эришиши истаги;*
- *социопатия (ижтимоий мулоқотдан қўрқishi);*
- *ўйинлар форматида ўрганиши;*
- *мураккаб жумлалар қуришига қодир эмаслик ва б.*

Миллиниаллар авлодининг хулқ-атвор хусусиятларини ўрганиш замонавий педагогика, социология ва менежментнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Анъанавий, тадрижий, чизиқли тамаддун контекстида авлодларнинг ижтимоийлашуви катта авлод тажрибасини ўзлаштиришига узвий боғлиқ бўлган. Рақамли дунё дискурси дунёқараш, эстетик дид ва қадриятлар тизими билан боғлиқ *“авлодлараро узилиш”*ни вужудга келтирди. Экспертлар томонидан авлодлар ўртасида нуқтаи назарлар, ҳаётий қарашлар, қизиқишлар борасида кескин фарқлар қайд этилмоқда.

Полинезия оролларида истиқомат қилувчи болаларнинг ижтимоийлашувини ўрганган америкалик антрополог, социолог, этнопсихолог **Маргарет Мид** (Margaret Mead) қуйидагича таъкидлайди: *“Асрлар давомида болалар ўз ота-оналаридан ўрганганлар ва бу ижтимоийлашувнинг табиий йўли эди, агар сиз яхши бола бўлсангиз, ота-боболарингиз тажрибасидан ўрганишингиз керак эди”* [5, 119].

Немис социологи **Карл Маннгейм** (Karl Mannheim) шахснинг ижтимоийлашуви катта авлод ва ижтимоий институтлар таъсирида юз беришини таъкидлайди [4, 47]. Британиялик тадқиқотчи, социология назариётчиси **Зигмунт Бауман** (Zygmunt Bauman) замонавий жамиятнинг янгича кўриниши инсоният мавжудлигининг барча олдинги шаклларида тубдан фарқ қилишини, объектив ижтимоий жараёнлар инсонларнинг феъл-атвори, дунёқарашини, менталитетини шакллантиришини, ҳаёт нималарни тақдим этса – ҳозир ва шу ерда тақдим этиши истагини қайд этади [1, 77].

Замонавий жамият ҳаётининг кейинги хусусияти - бу яқин вақтгача деярли ўзгармас ҳисобланган қадриятлар тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга интилиш, бунинг оқибатида миллий маданиятларнинг парчаланиши, авлодлар давомийлигининг бузилиши, оилавий урф-одатлар ва қадриятларнинг аҳамиятининг пасайишидир. Истеъмол жамиятида, масалан, ҳар доим меҳнат ва кунт натижасида эришиладиган шуҳрат таниқлилиқ билан алмаштирилади, истеъмол муносабатлари шаклланади.

Глобал жараёнлар шахсни ижтимоийлашувига хизмат қиладиган **таълим тизимида** трансформацион жараёнларни юзага чиқармоқда. Тараққиёт шахс ва

жамиятдан экспоненциал тарзда кўпайиб боровчи билим ва компетенцияларни талаб қилади, бу аввало, аҳолининг тобора кенг қатламларини қамраб олган таълим тизимини шакллантириш, шахснинг ҳаёт давомида муттасил таълим олиши (*lifelong learning*) учун шароит яратиш билан боғлиқ.

Янги авлоднинг самарали ижтимоийлашуви ва фаолияти учун **VUCA-маданият** моделини яратиш лозимлиги англашилади. Атрофда содир бўлаётган воқеаларни англаш, таҳлил қилиш, мослашиш, ўз - ўзини ривожлантириш, барқарорлик иллюзиясидан воз кечиш, ўзгаришларни тан олиш ва қабул қилиш, янги кўникмаларни ривожлантириш VUCA-дунё матрицасида яшаш ва фаолият олиб боришнинг асосий омилларидир.

Муаллиф томонидан VUCA-дунё контекстида ҳаёт шиддати, динамикаси, суръатига мос бўлиш учун **VUCA-маданият тамойиллари** илгари сурилади:

- эмоционал интеллект;
- танқидий тафаккур;
- ўзгаришларни бошқариш;
- низоларни бошқариш;
- soft skills;
- мослашувчанлик;
- эмпатия;
- коммуникатив кўникмалар;
- билимлар генерацияси;
- ахборотни излаш, қайта ишлаш, яратиш кўникмалари;
- lifelong learning.
- кросс-маданий сенситивлик;
- гендер сенситивлик;
- риск-менежмент (таваккал қилишни бошқариш);
- 3.0 – корпоратив таълим;
- илмий-техникавий коллаборация.

Технологик тараққиёт контекстида умуминсоний тамаддуннинг ҳаётийлиги, ижтимоий тизимларнинг барқарорлиги, ижтимоий институтлар (таълим, маданият, оила) нинг яшовчанлигини таъминлашда ахборот ва билимлар жамиятининг ушбу концептуал хусусиятларидан келиб чиқиш зарур.

Адабиётлар

1. Бауман, Зигмунт. Индивидуализированное общество. - М.: Логос, 2005. - 390 с.
2. Бурдьё Пьер, Социология социального пространства. / Пер. с фр., общ. ред. Н.А. Шматко. - СПб.: Алетея; М.: Институт экспериментальной социологии: Алетея, 2005. - 288 с. (Gallicinium). ISBN 5893297628.
3. Кон И. Социология личности. Book on Demand Ltd. 2019. – 388 с. ISBN-10: 5458507401.
4. Мангейм К. Проблема поколений // Мангейм К. Очерки социологии знания: Проблема поколений — состязательность — экономические амбиции / Пер. с нем. Е.Я. Додина; Отв. ред. Л.В. Скворцов. М.: ИНИОН РАН, 2000. С. 8–63.
5. Мид М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями// Мид М. Культура и мир детства. М.: Наука, 1988. С 322-357.

MUNDARIJA:

KIRISH	
<i>Radjiyev Ayubxon Baxtiyorxonovich</i>	4
MUASSASALARIDA O‘QUVCHILARNI KASBGA YO‘NALTIRISH MUAMMOLARI VA YECHIMLARI	
МАКТАВ О‘ҚУВЧИЛАРИНИ КАСБГА YO‘NALTIRISH – MILLIY ENTIYOJ	
<i>Radjiyev Ayubxon Baxtiyorxonovich</i>	
<i>Karimov Farhod Erkinovich</i>	7
VUCA-ДУНЁ ДИСКУРСИДА ШАХС ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ	
<i>Холиқова Моҳира Кундибаевна</i>	12
ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ	
<i>Пулатов Бахром Нигматович</i>	18
КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШЛАРИГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	
<i>Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович</i>	23
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ САМООПРЕДЕЛЕНИЕ СТАРШЕКЛАСНИКОВ	
<i>Маманазарова Наргиза Комильджановна</i>	28
INKLYUZIV TA‘LIM TIZIMIDA KASBGA YO‘NALTIRISH MASALALARI	
<i>Raxmatillaeva Gulnoza Shavkatovna</i>	
<i>Malikova Xurshida Ikramovna</i>	34
YOSHLARNI KASBGA YO‘NALTIRISHDA DIDAKTIK ROLLI O‘YINLARNING O‘RNI	
<i>Supiyeva Buxolida Abduvaliyevna</i>	40
UMIY O‘RTA TA‘LIM MUASSASALARIDA BOSHLANG‘ICH TA‘LIM O‘QUVCHILARINI KASBGA YO‘NALTIRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH	
<i>Jo‘rayeva Fotima G‘aybullo qizi Jo‘rayeva Zuxra G‘aybullo qizi</i>	44
AQLIY RIVOJLANISHIDA NUQSONI BO‘LGAN BOLALARNI TO‘GARAKLAR ASOSIDA ERTA KASBGA YO‘NALTIRISH MASALALARI	
<i>Raupova Dilrabo Nigmatullaевна Malikova Xurshida Ikramovna</i>	47
UMUMIY O‘RTA TA‘LIM MUASSASALARIDA O‘QUVCHILARNI KASBGA YO‘NALTIRISHNING PSIXOLOGIK MOHIYATI	
<i>Safarova Dilnoza Kuchkarovna</i>	51
FIZIKA TA‘LIMI JARAYONIDA O‘QUVCHILARNI KASB-HUNARGA YO‘NALTIRISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	
<i>Alinazarova Mahfuza Alisherovna</i>	55

**UMUMIY O‘RTA TA‘LIM MUASSASALARIDA
O‘QUVCHILARNI KASBGA YO‘NALTIRISH VA
VARIATIV TA‘LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH
MASALALARI**

Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari

2022-yil, 22-iyun

**Bichimi: 84x60 1/16. «Times New Roman» garniturasida. Raqamli bosma usulda bosildi.
Shartli bosma tabog‘i: 8,9. Adadi 100. Buyurtma № 71/87.**

**Guvohnoma № 851684. «Tipograff» MChJ bosmaxonasida chop etilgan. Bosmaxona manzili:
100011, Toshkent sh., Beruniy ko‘chasi, 83-uy.**

